



THE CONCEPT OF CYBER CRIMES

Azbergenova Munira Charjawvna

Student of Karakalpak State University

muniraazbergenova5@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11190528>

ARTICLE INFO

Received: 06th May 2024

Accepted: 13th May 2024

Online: 14th May 2024

KEYWORDS

Cyber crime, cyber space, cyber security, cyber attack, information crimes, criminal law, cyber security.

ABSTRACT

This article describes the general description, concept, and essence of cybercrime. At the same time, the opinions of a number of scientists regarding cybercrime were studied and the reforms aimed at combating and preventing this crime in our country were analyzed. Also, the current state of cybercrimes is highlighted based on statistical data.

КИБЕРЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ

Азбергенова Мунира Чаржаўвна

ҚДУ талабаси

muniraazbergenova5@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11190528>

ARTICLE INFO

Received: 06th May 2024

Accepted: 13th May 2024

Online: 14th May 2024

KEYWORDS

Кибержиноят,
кибермакон, киберхавфсизлик,
киберхужум, ахборот
соҳасидаги жиноятлар,
жиноят қонунчилиги,
киберхавфсизлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада кибержиноятчиликнинг умумий тавсифи, тушунчаси, мазмунмоҳияти баён қилинган. Шу билан бирга, кибержиноятчиликка оид бир қатор олимларнинг фикрлари ўрганилган ҳамда давлатимизда ушбу жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олишга қаратилган ислохотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, статистик маълумотлар асосида кибержиноятларнинг ҳозирги ҳолати ёритилиб берилган.

Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши глобал муаммолар қаторига янгидан-янги турлари билан тилга олинаётган кибержиноятларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда. Замонавий технологиялар асрида деярли барча жиноятларнинг ахборот технологиялари ёки интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилиши ахборот хавфсизлигини таъминлашга, кибержиноятларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Шунки, кибержиноятчилик тобора трансмиллий хусусиятга эга булмоқда ҳамда бунинг



натижасида ҳар йили кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 %ни ташкил этмоқда [1].

Кибержиноятларнинг глобаллашуви ва халқаро кўламга эга бўлиши мазкур жиноятчиликнинг глобал хавф сифатида тан олинишига олиб келмоқда. Кибержиноятчилик тушунчаси биринчи мартаба 1960 йилларида интернет тармоғининг яратилиши ҳамда йилдан йилга такомиллашиси натижасида фойда була бошлаган. Дастлабки йилларда ушбу жиноятчилик турлича номланган ҳамда турли ҳил доктринал ва расмий таърифларга эга. Хусусан, Европа Кенгашининг 2001 йилдаги «Кибержиноят ҳақида» ги Конвенциясига асосан кибержиноят кибермухитда содир этиладиган ҳар қандай жиноятдир дея таъкидлаб ўтилган [2].

Олим Л.Кочкина кибержиноятчиликни «компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар», «ахборот жиноятлари», «компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар», «юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар», «ахборот соҳасидаги жиноятлар» деб эътироф этади [3]. Т.Бородкина ушбу жиноятларни ахборот соҳасидаги жиноят деб атаган [4]. Ш.Толмасовнинг фикрича кибержиноят инсонлар томонидан жиноят мақсадида ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланишдир [5] дея фикрларни келтириб ўтишган.

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» ги Қонунининг 3-моддасида [6] кибержиноятчиликка тушунчасига шундай тариф берилган бўлиб, унга кўра кибержиноятчилик — ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси.

Умуман олганда кибержиноятлар - бу компьютер, компьютер тармоғи ёки тармоқ қурилмасидан суистеъмол қилишга қаратилган жиний фаолият ҳисобланади.

Бутун дунёда хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШХТ, МДХ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жиний мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта этибор қаратилмоқда. Жумладан, давлатимизда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий базасини яратиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шундай ислохотларнинг бири «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги мунособати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-137-сон [7] Қонунига муофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» дея номланувчи янги ХХ¹ бобнинг киритилишидир. Жиноят кодексига ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи бутунлай янги бобнинг киритилиши ушбу соҳага доир содир этилаётган жиноятлар учун жазо белгилаш ва жиний-ҳуқуқий тартибга солиш имкониятини яратди. Ушбу бобда: ахборотлаштириш қоидаларини бузиш (278¹-модда), компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш



(278²-модда), компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш (278³-модда), компьютер ахборотини модификациялаштириш (278⁴-модда), компьютер саботаж (278⁵-модда), зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (278⁶-модда), телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (278⁷-модда) учун жиноий жавобгарлик киритилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги [8] Фармонида муофиқ: жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб олинди. Унга муофиқ Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси» ишлаб чиқилди [9]. Концепциянинг «Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини амалда ва ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш» дея номланувчи учунчи булимнинг еттинчи бандида: технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» [10] нинг 89-мақсадида фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустақкамлашга қаратилган вазифалар белгиланган. Мазкур соҳадаги энг устувор вазифа сифати кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш эканлиги белгилаб олинди. Унга муофиқ:

➤ 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш. Бунда, «UZ» домен зонаси Интернет-маконининг киберхавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини ҳамда электрон ҳуқуқ, энергетика, рақамли иқтисодиёт тизимларини ва муҳим ахборот инфратузилмасига тааллуқли бошқа йўналишларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс вазифаларни белгилаш;

➤ Кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарликни қайта кўриб чиқиш;

➤ Ахборот майдонидаги киберҳужум ва таҳдидларни мониторинг қилиш тизимини янада такомиллаштириш. Бунда: киберхавфсизликнинг Ягона тармоғининг техник инфратузилмасини кенгайтириш; «Кибернетикада инновациялар IT-парки» фаолиятини янада жадаллаштириш; IT-паркнинг ҳудудлардаги рақамли



технологиялар ўқув марказлари негизда ёшларни киберхавфсизлик асослари бўйича ўқитилишини таъминлаш, ҳамда ҳар йили талаба ва ўқувчилар орасида киберхужумлар аниқлаш бўйича республика миқёсида конкурслар ўтказиш назарда тутилади.

Шу билан бирга, 2024 йил 19 январь куни «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» [11] ги ЎРҚ-899-сон Қонунига муофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодксининг ХХ¹ боби крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш (278⁸-модда) ҳамда майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш (278⁹-модда) моддалари билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, кибержиноятларни олдини олиш, киберхужумдан ҳимояланиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда ушбу қонунинг қабул қилиниши киберхавфсизлик соҳасидаги муҳим тушунчаларнинг тўлиқ маънолари очиб берилишига, киберхавфсизликни таъминлашга, кибержиноятчилик ва киберхужумни олдини олишда халқаро ҳамкорликни йулга қўишда муҳим асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаши, киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органлари, киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш лозимлиги, ушбу соҳага доир қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши мажбурийлиги ҳамда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби ва шартларига доир бир қанча янги вазифалар белгилаб олинди.

Статистик маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 500 миллиондан ортиқ кибер хужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибер маконда содир этилган хужумлар қурбонига айланади. Давлатимизда ҳам сўнги йилда ушбу турдаги жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фойизини ташқил қилади [12].

Шунинг учун ҳам давлатимизда киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончилигини тиклашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, шунингдек ҳозирги кундаги жиноят қонунчилиги ва амалиётини ўрган ҳолда кибержиноятчиликка тегишли барча қилмишларни қамраб оладиган нормаларни амалдаги жиноят қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

References:

1. <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal)



2. ЕС от 23.11.2001 года «Конвенцию о компьютерных преступлениях». Будапешт, Серии европейских договоров - № 185. <https://rm.coe.int/1680081580>.
3. L.Kochkina. Definition of the concept "cybercrime". Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно -процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). – с 2
4. Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.
5. Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. Манба: <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.
6. Киберхавфсизлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон <https://lex.uz/uz/docs/5960604> (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0313-сон)
7. Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги мунособати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 25.12.2007 йилдаги ЎРҚ-137-сон <https://lex.uz/docs/1295262> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 532-модда)
8. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон <https://lex.uz/docs/3107036> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон)
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон [қарорига](https://lex.uz/docs/3735818)1-ИЛОВА <https://lex.uz/docs/3735818> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон)
10. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон <https://lex.uz/docs/5841063> (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон)
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 19.01.2024 йилдаги ЎРҚ-899-сон <https://lex.uz/docs/6763724> (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.01.2024 й., 03/24/899/0048-сон)
12. <https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-milliondan-ortiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi>